# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 13 январь, № 9 (5429) Жума


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2012 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2012 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б. Тошматов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 12 январь

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

*Мустақил Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг "ўзбек модели" иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маърифий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини кучайтириш мақсадига қаратилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишни кўзда тутади.*

## МАҲАЛЛА – ТАЪСИРЧАН ИЖТИМОИЙ ФУҚАРОЛИК ИДОРАСИ

Демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариш, уларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятдаги турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга даъват этилган кучли ва очиқ фуқаролик институтлари орасида маҳалланинг алоҳида ўрни ва нуфузи бор.

Маҳалла — халқимизга хос ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими. Истиқлол йилларидагина у Президентимиз Ислом Каримов таърифи билан айтганда, "таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси", "ҳақиқий демократия дарсхонаси"га айланди. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси мамлакатимиз Конституциясига киритилиб, жамият бошқарувидаги ўрни ва конституциявий мақоми қатъий белгилаб қўйилди.

Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар — яқин қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Маҳалла, том маънода, "халқ виждони"га айланиб, озод ва обод Ватан барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлаяпти.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётир. Улар илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга 30 дан ортиқ вазифани бажармоқда.

Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, унинг ёрдамга муҳтож қисмини маҳалла орқали ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб амалиёти тобора такомиллашиб бораяпти. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва етимларга моддий кўмак бериш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш маҳалла орқали

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

**«Toshkent yo`lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» замонавий талаблар асосида фаолият кўрсатмоқда.**

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

***Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган транспорт-коммуникация, хусусан, темир йўл тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳар биримизда ғурур ҳамда ифтихор туйғусини уйғотади. Сабаби, темир йўлларимиз нафақат Ўзбекистонни жаҳонга танитувчи, балки том маънода дунё мамлакатларини юртимиз билан боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда.***



Бу борада, айтиш мумкинки, "Toshkent yo`lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу завод Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Япония Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида имзоланган кредит битимига мувофиқ, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг дастлабки йирик инвестициявий лойиҳаси асосида 2001 йилда ишга туширилган эди.

Эндиликда у тармоқдаги етакчи корхона сифатида республикамиз ва қўшни давлатларнинг темир йўлларида йўловчи ташиш эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб келмоқда.

— Дарҳақиқат, заводимиз ишга туширилган пайтда аксарият мутахассислар томонидан "Ўзбекистон яна бир соҳада импортчидан экспортчи давлатга айланади", деган фикрлар билдирилган эди, — дейди заводнинг техник бўлими бошлиғи Аслиддин Солиев. — Мана, вақт ўтиб, бу амалда ўз исботини топди: халқаро сертификатларга эга бўлган корхонамизда жаҳон андозаларига мос кўркам ва замонавий вагонлар ишлаб чиқарилаяпти. Бунда, табиийки, Германия, Япония, Нидерландия, Польша, Буюк Британия, Финляндия, Канада сингари давлатлардан келтирилган юқори технология ва илғор ускуналар муҳим аҳамият касб этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Зангиота туманида якунланган йилда ўн битта янги саноат корхонаси ишга туширилди. "Plastherm technology" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири.*

## Янги саноат корхоналари

Ҳозир бу ерда маҳаллий хом ашё — пластмасса чиқиндиларидан халқ хўжалиги моллари ҳамда полиэтилен қувурлар тайёрланмоқда. Лойиҳа қиймати 340 миллион сўмлик корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари тўлалигича хориж технологиясига асосланган.

Туманда ўтган йилда саноат корхоналари томонидан 415,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Бу 2010 йилдагидан 59,6 миллиард сўм кўпдир.

**F. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## Болалар учун спорт кийимлари

***АНДИЖОН**. Шаҳрихонлик тадбиркор Дамира Нўъмонжонова банкдан олган 2 миллион 400 минг АҚШ долларилик кредит эвазига болалар спорт кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Милослава-Андтекс" корхонасини бунёд этди.*

40 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилаётган мазкур корхонада йил охирига қадар 240 мингта маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда. Дастлабки 10 мингта бежирим либослар эса аллақачон савдога чиқарилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг чоп этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.*

## Президент асари ўрганилмоқда

Истиқлол тарихини ўрганиш борасида қимматли манба бўлган ушбу китоб жамоатчилик, шу жумладан, ёшларимизнинг ижтимоий тафаккурини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Айни пайтда халқ таълими тизимида ҳам мазкур асар чуқур ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2011/2012 ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари 9-синфида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобни ўрганиш бўйича ўқув дастури, дастурга киритилган мавзулар юзасидан тезис, мавзулар бўйича намунавий дарс ишланмаси ишлаб чиқилди ва вазирликнинг www.uzedu.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

## Соғлом фарзанд – юрт келажаги

*Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида жорий йилнинг 23 — 28 январь кунлари юртимизнинг барча ҳудудларида 8 ва 9 ёшли болаларни вирусли гепатитнинг В турига қарши тўртинчи марта қайта эмлаш ўтказилиши муносабати билан семинар бўлиб ўтди.*

**Семинар**

Эмлаш тадбирлари аҳамияти юзасидан аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу анжуманда соҳа мутахассислари, тегишли идора ва ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, аҳоли, хусусан, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини йўлга қўйишга катта эътибор қаратилаётир. Мамлакатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, бугунги кунга келиб юртимизда амалга оширилаётган "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу дастур ижросини таъминлаш мақсадида жойларда замонавий тиббиёт муассасалари, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг ҳамда ҳудудий

(Давоми 2-бетда).

## Салоҳияти ошди

***СИРДАРЁ.** Боёвут туманидаги "Боёвут-Бунёдкор" корхонасида лойиҳа қиймати 1 миллиард 940,2 миллион сўмлик техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.*

Натижада бу ерда 20 та қўшимча иш ўрни яратилиши баробарида, ойига 45 минг донагача пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шуниси эътиборлики, туманда ўтган йилда биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мингдан зиёд кишининг бандлигига эришилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

***БУХОРО** вилоятидаги "Каттакўл — Ғўжайли" коллекторида кенг кўламдаги реконструкция тадбирлари амалга оширилиши туфайли ўтган йили ҳудуддаги 29 минг гектардан зиёд экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.*

## Мелиорация ва унумдорлик

Айни пайтда Бухоро марказий коллекторида таъмирлаш ишлари жадал бормоқда. Осиё тараққиёт банкининг 8,1 миллион АҚШ долларилик кредити эвазига ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу лойиҳага кўра, сув иншоотининг 55 километрлик асосий ўзани ва 21 шохобчаси тозаланади. Натижада Бухоро, Ромитан ва Жондор туманларидаги 15 минг гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати барқарорлашади.

**И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● **Бойсун туманидаги "Жийдали Бойсун" хусусий корхонасида пластмассадан турли халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда йилига 700 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди.**

● Хатирчилик тадбиркор Шоира Ражабова макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияни ишга туширди.

● **Тахтакўпир туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган навбатдаги 5 та турар-жой ўз эгаларига топширилди. Бу ерда "Риверқурилиш" корхонаси бунёдкорлари томонидан 349 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.**

● Гулистон шаҳридаги "Шарқ савдо замон" корхонасида 55 миллион сўмлик кредитдан фойдаланган ҳолда, паррандачилик йўлга қўйилди. Хўжалик жамоаси ўтган қисқа муддатда 3 тоннадан ортиқ парҳез гўшт етиштириб, савдо шохобчаларига чиқарди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ ФАРАҲБАХШ СУРУРИ

***Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.***

Илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган бундай марраларга эришганимиз, авваламбор, биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини, айниқса, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори самаралар бериб, одамларнинг турмуш шароити тобора яхшиланиб бораётганини тасдиқлайди.

# МАҲАЛЛА — ТАЪСИРЧАН ИЖТИМОИЙ ФУҚАРОЛИК ИДОРАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хайрли ишлари фуқаролар уйларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга қорамоллар ажратиш, уларнинг фарзандлари учун ёзги дам олишни ташкил этиш, тўйларини ўтказишда ҳам намоён бўлмоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Ҳозирги вақтда жамғарма таркибида 14 ҳудудий бўлим, 196 туман ва шаҳар бўлинмалари фаолият кўрсатаяпти. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташаббуси билан умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда, маҳаллаларни ободонлаштириш, фуқаролар йиғинлари марказларини қуриш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилаётир. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига катта амалий ёрдам кўрсатаяпти. Жумладан, 3600 дан ортиқ фуқаролар йиғинлари замонавий компьютерлар, мебель ва зарур инвентарлар билан жиҳозланди. Маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Маҳаллалар ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда маҳаллаларда ташкил этилган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолиятининг ҳам аҳамияти ортмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг V ҳисобот-сайлов конференциясида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниши билан бир қаторда, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган ҳамда 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Конференцияда илк бор Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг яқин истиқболдаги Ҳаракат режаси қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу ҳужжат негизини Юртбошимиз Концепциясининг асосий ғоялари ташкил этади.

Ҳаракат режасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади. Унда, жумладан, маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари — фуқаролар йиғини, унинг ҳузуридаги тафтиш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш ҳамда бошқа 10 дан ортиқ комиссияларининг намунавий низомларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, Концепцияда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлиги ҳисобга олинган ҳолда, амалдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши белгиланган. Фикримизча, бу қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқаролар йиғинларининг роли ва мавқеини кучайтириш, уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқларини янада кенгайтириш, шунингдек, ушбу тузилмалар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, айни чоғда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштириш ҳамда янада демократлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳамда унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини шакллантиришни фақат фуқаролар йиғинининг (вакиллар йиғилишининг) қарори билан амалга оширишни белгилаб қўйиш ўринлидир. Қолаверса, сайловнинг ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши учун масъул бўлган органларнинг ваколатларини янада аниқроқ белгилаш ва чегаралаб қўйиш, жумладан, ишчи гуруҳларига фуқароларнинг вакилларини сайлаш бўйича тураржойлар, кўчалар, маҳаллалар аҳолисининг умумий йиғилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколатини бериш, фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимига тавсия этиладиган номзодларини кўрсатиш ваколатини бериш айни муддаодир. Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказиш жараёнининг муддатларини қонунчилик тартибида белгилаб қўйиш талаб этилади.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Ҳаракат режасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу қонун ҳужжатлари, умумдавлат ва ҳудудий дастурларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати тизимида фуқаролар йиғинларининг ролини янада оширишда ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Сўнгги фуқаролар йиғинларига сайловларда оқсоқолларнинг деярли 40 фоизи илк марта сайланди. Уларнинг ҳамда 107 минг нафар маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маҳалла фаолиятига оид қонун ҳужжатлари билан яқиндан таништириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тааллуқли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини янгидан нашр этиш зарурати ҳам мавжуд.

Ҳаракат режасида ёшлар тарбиясида "Оила — маҳалла — мактаб (коллеж, лицей) ҳамкорлиги" концепциясини ишлаб чиқиш ҳам белгиланган. Зеро, 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни бор. Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг ҳикматли нақлига кўра, "Маҳалла — ҳам ота, ҳам она". Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ёшларнинг дунёқараши ва тафаккурини кенгайтириш, улар тарбияси масъулиятини ҳам зиммаларига олишлари жуда муҳимдир.

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.**

# МУВАФФАҚИЯТ, ИШТИЁҚ ВА МАҚСАД

*Мана, янги йилнинг иккинчи ҳафтаси ҳам поёнига етиб қолди. Ўтган кунлар ичида яқин истиқболдаги режаларимизни тузиб, шу асосда хайрли ишларимизни бошлаб олишга улгурдик. Мустаҳкам оила йилидан кутиладиган энг эзгу натижа, аввало, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришдан иборат. Зеро, юртимиз тинч, рўзғоримиз бут, хонадонимиз хотиржам бўлсагина, ишимизга унум киради. Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригини тинглаган, ўқиган юртдошларимиз бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиб, юксак мақсадлар сари дадил одимламоқдалар.*

*Бу таҳририятимизга келаётган мактубларда битилган дил сўзларида ҳам яққол акс этаётир.*

**Сурур**

**Машраб АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм Маъмун академияси илмий котиби, Ёш олимлар кенгаши раҳбари:**

— Ўтган йили илмий фаолиятимда бир қатор ютуқларга эришдим. "Хоразм амалий санъати усталари" номли рисолам, 12 та илмий мақола ва тезисларим, 10 га яқин илмий-оммабоп мақолаларим нашр этилди. 5 та илмий-амалий анжуманда маърузаларим билан қатнашдим. Академик Акбар Ҳакимов илмий раҳбарлигида "Хоразм амалий-безак санъати ривожланиши тарихи (XVI — XX аср бошлари)" номзодлик диссертациямни ёзиб тугатдим. Шахсий ҳаётимда ҳам қувончли воқеа юз берди. Оиламизда фарзанд дунёга келди.

Янги йилда илмий изланишларим билан юрт равнақига, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшишни қатъий мақсад қилганман.

**Зокир ИСОҚОВ, Узун туманидаги "Узунқурилиш-инвест" компанияси раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига байрам табригида 2011 йилда 7 минг 400 та оила ҳар томонлама қулай уй-жойларга эга бўлгани қайд этиб ўтилди. Ушбу сўзларни тинглаб, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида меҳнат жамоамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қувондим. Хусусан, 2011 йилда компаниямизга қарашли қурилиш корхоналари бинокорлари томонидан тумандаги "Меҳнат" ва "Қорашиқ" мавзеларида замонавий турар-жойлардан 20 таси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилдаги режаларимиз ҳам улкан. Янги йилнинг илк кунлариданоқ "Жончекка" аҳоли мавзесида 10 та замонавий уй-жой қурилишини бошлаб юбордик.

**Ойбек МАМАЗУЛУНОВ,**
**бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони, Наманган давлат университети талабаси:**

— Якунланган 2011 йил кўпчилик тенгдошларим қатори менинг ҳаётимда ҳам ёрқин из қолдирди. Энг аввало, эзгу орзуим ушалиб, университетнинг Педагогика ва жисмоний маданият факультетига ўқишга кирдим. Спорт соҳасидаги муваффақиятим эса нур устига аъло нур бўлди. Ноябрь ойида пойтахтимизда ёшлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган биринчиликда ғолиблар сафидан ўрин олиб, чемпионлик мақомига эришдим. Буларнинг барчаси мамлакатимизда биз, ёшларга бўлган эътибор, пухта билим олиб, касб эгаллаш, иқтидоримизни намойиш этишимиз учун яратилган бекаму кўст шароитлар мевасидир.

Юртбошимиз Янги йил табригида ёшлар бахту иқболини тилаб, бизни янада илҳомлантирдилар. Бу эзгу тилак мустақил ҳаёт остонасида турган йигит-қизларни бундан ҳам юксак марраларга чорлайди.

**Асқар ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**"Ўзбеккино" Миллий агентлигининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари:**

— Поёнига етган 2011 йил кўпгина соҳалар қатори кино саноатимизда ҳам туб бурилиш ва юксалиш палласи бўлди. Киноижодкорларимиз йил мобайнида 70 дан ортиқ картинани томошабинлар эътиборига ҳавола этишди. Кино санъатимиз тарихида ҳали бундай салмоқли натижага эришилмаган эди. Шу маънода, янги йилни биз, киночилар ҳам ёруғ юз билан кутиб олдик, дейишга асос бор.

Мустаҳкам оила йилидаги режаларимиз янада улкан. Вилоятимизнинг 3 та ҳудудидаги кинотеатрларда бошланган қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш, қишлоқ жойлардаги маданий ҳордиқ масканларида томошабинлар учун замонавий қулайликлар яратиш ниятидамиз. Энг катта мақсадимиз эса, юксак савияли, миллий маънавиятимизга хос, соф инсоний туйғулар билан йўғрилган бадиий фильмлар орқали юртдошларимизга йил давомида хушкайфият улашишдир.

## Президент асари ўрганилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур дастур халқ таълими тизимининг барча турдаги таълим муассасалари ходимлари учун 4 соатлик, Педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлов курслари тингловчилари учун 6 соат ҳажмдаги ўқув курсларини ташкил этишга, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг 7, 8, 9-синфларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фанлари мазмунига сингдириб ўргатишга, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун 12 соатлик факультатив ўқувлар ташкил қилишга мўлжалланган.

Ўқув курсининг маълум соатлари амалиёт билан боғланган ҳолда музейлар ва мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларда очиқ дарслар сифатида ҳам ўқитилиши кўзда тутилган.

Мазкур дарс соатлари тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб ном олган ривожланиш йўлимизни чуқур англаш ва уни мустаҳкамлаш ҳиссини кучайтириш, истиқлолимизни асраб-авайлаш туйғусини ёш авлод қалбига сингдиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

**«Toshkent yo`lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» замонавий талаблар асосида фаолият кўрсатмоқда.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, 2007 йилдан бошлаб Санкт-Петербургдаги вагонсозликка ихтисослаштирилган институт билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган вагон" лойиҳаси амалга оширилгани ҳам бугун ўз самарасини бермоқда. Гап шундаки, орадан икки йил ўтиб, "61-907" ҳаво совутқичи билан жиҳозланган купе туридаги йўловчи вагони тайёрланган бўлса, 2011 йилда "61-911" ҳаво совутқичи ўрнатилган очиқ турдаги йўловчи вагонини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айниқса, 2011 йил жамоа учун муваффақиятли кечди. 13 та янги йўловчи вагони қурилиб, 383 та йўловчи вагони таъмирлангани, унинг 47 таси экспортга чиқарилгани, жами 43 миллиард 968 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аввалги йилдагига нисбатан 110,9 фоиз ўсишга эришилгани шундан далолат беради.



Бундан ташқари, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган барча лойиҳалар ниҳоясига етказилди.

Айни кунларда 11 гектар майдонни эгаллаган заводнинг барча цехида иш қизғин. Бирида вагонларнинг кузови таъмирланаётган бўлса, яна бирида вагон учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Бошқасида эса вагонларнинг ички қисми йиғилаяпти. Аниқроқ айтганда, биринчи цехда ясалган оддий металл ўттиз учинчи цехда тайёр вагонга айлантирилганига гувоҳ бўласиз.

— Хабарингиз бор, кейинги йилларда юртимизда сайёҳлик соҳаси ривожланиши баробарида, меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифати ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, ўтган йили улар учун 5 та махсус вагон тайёрладик, — дейди заводнинг янги вагонлар ишлаб чиқариш бўйича директори ўринбосари Нодир Абдураҳмонов. — Бу вагонларда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Жумладан, уларни тайёрлаш жараёнида йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир қисмга алоҳида ишлов берилган, дизайнига миллийлик ва замонавийлик руҳи сингдирилган. Айтайлик, саккиз кишига мўлжалланган бир вагоннинг купеларида алоҳида ошхона, ювиниш хонаси, телевизор, махсус совитиш ва иситиш тизими мавжуд. Худди меҳмонхонанинг ўзи!

Ҳозирги кунда "Toshkent yo`lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi" очиқ акциядорлик жамиятида 1200 нафардан зиёд ишчи ва мутахассислар меҳнат қилаётир. Улар жорий йилда 330 та йўловчи вагонини таъмирдан чиқариш ва 30 та янги йўловчи вагонини қуриш ниятида фидокорона ишламоқдалар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** завод фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, туғуруқхона мажмуалари, 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

Пойтахтимизда 2011 йилнинг 26 ноябрь куни бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда ҳам мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар, хусусан, Ўзбекистонда яратилган тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели эътироф этиб ўтилди.

Соҳадаги ислоҳотларнинг узвий қисми бўлган юқумли касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш масаласи ҳам устувор даражага кўтарилди. Бундай саъй-ҳаракатларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида аҳоли ўртасида юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазият барқарорлиги таъминлаб келинаётир. Жумладан, карантин, ўта хавфли юқумли касалликлар, бундан ташқари, полиомиелит, дифтерия, қоқшол касалликлари кейинги йилларда умуман қайд этилмади. Айни чоғда вирусли гепатитнинг В тури, қизамиқ, қизилча, кўкйўтал, тепки каби хасталиклар сони кескин камайди. Бу борада вирусли гепатитнинг В турига қарши ўтказиб келинаётган эмлаш тадбирлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мазкур касаллик олдини олишнинг энг самарали йўлларидан бири хасталик юқиши мумкин бўлган аҳоли гуруҳларини профилактик эмлашдан иборатдир, — дейди Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи Нуриддин Тошбоев. — Шу боис юртимизда қатор йиллардан буён бу хасталикка қарши эмлаш тадбирлари мунтазам ўтказиб келинаяпти. Натижада унинг камайишига эришилаётир. Жумладан, 2010 йилда вирусли гепатит касалликлари кўрсаткичлари 1990 йилдагига қараганда 8,2 мартага, 2011 йилда эса болалар орасида ушбу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 25 фоизга камайгани, айниқса, эътиборлидир.

Тадбирда эмлаш компаниясига кўрилаётган тайёргарлик хусусида ҳам ахборот берилди. Унга кўра, Ҳиндистоннинг "Serum Institute LTD" фирмасидан олиб келинган, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган вакцина Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри санитария-эпидемиология назорати марказларига етказиб берилган. Айни чоғда хавфсиз эмлашни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда вирусли гепатитнинг ушбу тури бўйича ҳушёрликни ошириш мақсадида касаллик клиникаси, ташхиси ва даволаш мавзуларида жойларда тиббиёт ходимлари учун семинарлар ўтказилди. Шунингдек, республика бўйича 9 минг 600 дан зиёд эмлаш гуруҳлари, 5600 та эмлаш пункти ташкил этилди. Эмлаш жараёнларига махсус тайёргарликдан ўтган 10 минг нафар шифокор, 19 минг нафардан зиёд ҳамширалар, мактаб муассасалари ва Меҳрибонлик уйлари ходимлари жалб этилади.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 847,8 ▼ -16,2 | УН биринчи нав 655,9 ▲ +12,2 | УН иккинчи нав 586,9 ▲ +2,3 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +2,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▼ -0,01 |

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

*Юртимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу сана ҳаётимизда ўзгача ўринга эга. Чунки истиқлол йилларида Президентимиз бошчилигида барча соҳаларда эришилган, бутун дунё эътироф этаётган улкан ютуқ ва марралар замирида, аввало, тинчлик-осойишталик деган улуғ неъмат мужассам. Ана шу улуғ неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда профессионал асосда шакллантирилган миллий армиямиз муҳим аҳамият касб этаётир. Шу боис ҳам халқимиз эгнига ҳарбийлик либосини кийган, Ватан шанини улуғ деб билган жасур, мард ва фидойи ўғлонларни доимо қадрлайди, ардоқлайди.*

# ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ



Ўтган йигирма йил давомида миллий армияни барпо этиш борасида кўлами жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Жумладан, Қуролли Кучларни бошқаришнинг янги тизими яратилди, қўшинларнинг тузилиши ва таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди. Офицер ҳамда сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими вужудга келди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий қилиниши, чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, қолаверса, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтиришга замин яратди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳам армиямиз сафларига юқори малакали офицер мутахассислар етказиб бераётган нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда мотоўқчи бўлинмалар командири, чегара қўшинлари командири, командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари каби йўналишларда офицер кадрлар тайёрланмоқда. Таълим масканида таҳсил олган ва юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётганлар сафида маҳорат, матонат ва жасоратда алоҳида намуна кўрсатаётган, Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган салоҳиятли офицерлар кўпчиликни ташкил этади. Улар изидан бораётган курсантлар ҳам бу анъаналарни давом эттириб, қадрдон ўқув муассасаларининг илғор натижага эришиши йўлида бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар.

Мазкур даргоҳда фаолият олиб бораётган офицерлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қуролли Кучлар тизимида ташкил этилган “Энг илғор мутахассис” танловининг бир қатор номинацияларида мунтазам ғолиблар сафидан жой эгаллаб келмоқдалар. Хусусан, ўтган йили офицерлардан Акром Қосимов “Энг илғор батальон командири”, Учқун Тожиев “Энг илғор взвод командири” деб топилди.

Билим юрти ҳузурида услубий марказ, офицер кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳамда бир қатор тўгараклар фаолият кўрсатаётир. Мавжуд кафедралар, барча шарт-шароит муҳайё қилинган ўқув синфлари, замонавий техник воситалар, компьютерлаштирилган тренажёрлар, спорт зали, кутубхона, энг сўнгги русумдаги технологик жиҳозлар, компьютерлар, мультимедиа воситалари ҳамда ҳарбий техникалар курсантлар билимини оширишга хизмат қилмоқда.

— Муассасамизда бўлажак офицер-командирларнинг бекаму кўст билим олиши, амалий машғулотлар ва кўникмаларни ўзлаштиришлари учун барча имконият яратилган, — дейди офицер Абдупатто Абдуқодиров. — Бу борада электрон кутубхона, замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланилмоқда.

— Бизнинг асосий вазифамиз Ватанга садоқатли, мустақиллик ғояларига содиқ, интеллектуал тафаккури кенг, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва аниқ қарор қабул қила оладиган офицер кадрларни тайёрлашдан иборат, — дейди офицер Тимур Абдусаидов. — Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ушбу масъулиятли вазифани бажариш учун куч ва имкониятларимиз етарли, шарт-шароитларимиз талаб даражасида.

Дарҳақиқат, мазкур билим юрти курсантлари Қуролли Кучлар тизими ва олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўтказиб келинаётган турли танловлар, спорт мусобақаларида доимо етакчилар сафидан ўрин эгаллашади. Жумладан, Қуролли Кучлар тизимида универсал жанг, Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида анъанавий ташкил этилаётган “Умумармия ўйинлари”да эришилган муваффақиятлар фикримиз тасдиғидир. Ана шундай ютуқларга Барҳаёт Исматуллаев, Борис Комилов, Шаҳобиддин Гулмуродов, Умид Отамуродов, Ихтиёр Ғаффоров каби курсантлар муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

— Назарий ва амалий машғулотларни чуқур ўзлаштиришимиз, спорт билан шуғулланишимиз учун бу ерда барча имконият мавжуд, — дейди Барҳаёт Исматуллаев. — Ундан унумли фойдаланишга интилаяпмиз. Натижада 2010 йили “Умумармия ўйинлари”да бронза медалини қўлга киритдим. Ҳозир навбатдаги мусобақага тайёргарлик кўраяпман. Келажакдаги мақсадим, ҳарбий билимларимни мустаҳкамлаб, она-юртимиз равнақи йўлида хизмат қилиш.

Хулоса ўрнида айтганда, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти асл мардларни тарбиялайдиган нуфузли маскандир. Ўғлонларимиз бу ерда тобланиб, пўлатдек мустаҳкам ирода ва саботга эга бўлишлари ҳамда ўз ишининг моҳир усталари бўлиб етишишларига ишончимиз комил.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Санъаткорларнинг байрам туҳфаси

***“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Фарғона вилояти бўлими томонидан Ватан ҳимоячилари учун байрам дастурлари тайёрланди.***

Жумладан, яқинда Фарғона шаҳридаги офицерлар уйида таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар билан аскарлар учрашуви ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида тинч ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлмиш миллий армияни шакллантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритдилар.

Шундан сўнг санъаткорлар дилтортар қўшиқлари, ажойиб рақслари билан ҳарбий хизматчилар дилларини хушнуд этишди.

Фарғона томонларда

## «Шунқорлар» беллашуви

***Миллий байрамимиз муносабати билан Фарғона шаҳрида қатор анжуманлар, давра суҳбатлари, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилмоқда.***

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари таркибидаги ҳарбий қисмлар ўртасида уюштирилган “Шунқорлар” ҳарбий спорт ўйинлари шулар жумласидандир. Унда иштирокчилар “Десантчилар”, “Учувчилар”, “Қалқонлар”, “Лочинлар” шартли номлари асосида ўзаро беллашдилар. Ғолибни аниқлашда ҳарбий қуролни йиғиш ва йийиш, тош кўтариш, арқон тортиш, тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги маҳорат эътиборга олинди.

Беллашув якунида қатнашчиларга Шарқий ҳарбий округ ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан таъсис этилган совғалар, дипломлар топширилди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ДИЛНАВО»НИНГ ДИЛ НАВОЛАРИ

*Санъатга меҳр болаликдан шаклланади. Бугун юртимизда камол топаётган ёш авлод вакиллари орасида мусиқа ва рақсга ҳавас қўйганлар жуда кўп. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ана шундай ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидори ва истеъдодини шакллантириш борасида янги имкониятларни яратиб берди.*

Қарор ва ижро

Наманган шаҳридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам мазкур қарор асосида реконструкция қилиниб, замонавий қулайликларга эга бўлган масканлардан биридир. Бу ердаги элликдан зиёд ўқув хоналарида болаларнинг пухта билим олиши, мусиқа ва санъат сирларини мукаммал ўрганиши учун етарли шароит яратилган. 250 ўринли муҳташам концерт зали, янгидан қурилган овоз ёзиш студиясида ўқувчилар тажрибали устозлар кўмагида ўз иқтидорини сайқаллаштириб бормоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, мактаб замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар фортепьяно, халқ чолғу асбоблари, торли ва дамли чолғулар ижрочилиги, аккордеон, хореография ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича олган билимларини амалда намойиш этиб, турли даражадаги кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб келишмоқда. Мактаб қошидаги “Дилнаво” дуторчи қизлар ансамбли қатнашчилари “Янги авлод — 2011” болалар ижодиёти фестивалининг якунловчи босқичида торли асбоблар ижроси бўйича ғолибликни қўлга киритгани бунга ёрқин мисол бўла олади.



**СУРАТДА:** мактаб ўқувчиси Гулжаҳон Тўйчибоева.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама ва эълонлар •

XALQ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Универсал» ютуқли омонати бўйича 2012 йил 11 январда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтказилган 3-ютуқлар тиражида ютуқ чиққан ҳисобварақлар

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 011-шохобча | УУ-29 |
| 2 | 500 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | УУ-21 |
| 3 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | УУ-7 |
| 4 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-90 |
| 5 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 01-шохобча | УУ-3 |
| 6 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-73 |
| 7 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-106 |
| 8 | 50 000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | УУ-1 |
| 9 | 100 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-163 |
| 10 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 012-шохобча | УУ-1 |
| 11 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | УУ-22 |
| 12 | 1 000 000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | УУ-19 |
| 13 | 100 000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | УУ2-25 |
| 14 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-84 |
| 15 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-110 |
| 16 | 100 000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | УУ2-21 |
| 17 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | УУ-23 |
| 18 | 100 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | Амалиёт бўлими | УУ-2 |
| 19 | 500 000 | Навоий вилояти | Зарафшон шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | УУ2-1 |
| 20 | 100 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-121 |
| 21 | 500 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 02-шохобча | УУ-1 |
| 22 | 200 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-20 |
| 23 | 200 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор минибанки | УУ-107 |
| 24 | 100 000 | Фарғона вилояти | Учкўприк филиали | 024-шохобча | УУ-1 |
| 25 | 100 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-55 |
| 26 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | УУ-15 |
| 27 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-189 |
| 28 | 100 000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 024-шохобча | УУ-6 |
| 29 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-130 |
| 30 | 50 000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | УУ-71 |
| 31 | 200 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-6 |
| 32 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-80 |
| 33 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Самарқанд вилоят филиали | Амалиёт бўлими | УУ-5 |
| 34 | 200 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-183 |
| 35 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-29 |
| 36 | 100 000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | УУ-60 |
| 37 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 042-шохобча | УУ-2 |
| 38 | 500 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 038-шохобча | УУ-18 |
| 39 | 200 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-135 |
| 40 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 030-шохобча | УУ-41 |
| 41 | 50 000 | Сурхондарё вилояти | Қизириқ филиали | Амалиёт бўлими | УУ2-1 |
| 42 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | УУ-26 |
| 43 | 100 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-167 |
| 44 | 100 000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | УУ-58 |
| 45 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | Амалиёт бўлими | УУ-5 |
| 46 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 028-шохобча | УУ-1 |
| 47 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | «Ишонч» минибанки | УУ-16 |
| 48 | 100 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-36 |
| 49 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-49 |
| 50 | 200 000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | Амалиёт бўлими | УУ2-11 |
| 51 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-8 |
| 52 | 50 000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 026-шохобча | УУ-6 |
| 53 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | УУ-27 |
| 54 | 50 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 05-шохобча | УУ-37 |
| 55 | 200 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-101 |
| 56 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-64 |
| 57 | 100 000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | УУ-87 |
| 58 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 026-шохобча | УУ-37 |
| 59 | 200 000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | УУ-3 |
| 60 | 100 000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | УУ-16 |
| 61 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-46 |
| 62 | 100 000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | 44-шохобча | УУ2-1 |
| 63 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | «Ишонч» минибанки | УУ-2 |
| 64 | 100 000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | УУ-365 |
| 65 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-94 |
| 66 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 01-шохобча | УУ-4 |
| 67 | 200 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-108 |
| 68 | 200 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | УУ-81 |
| 69 | 100 000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | УУ-38 |
| 70 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | Амалиёт бўлими | УУ-3 |

**Ҳайъат раиси** — Зангиота тумани ҳокими ўринбосари **А. ДАДАБОЕВ**
**Масъул котиб** — Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари **И. ЎРАЗОВ**

59R/65


Спорт

## Денис – ярим финалда

***Теннис бўйича Австралияда бўлиб ўтаётган “ATP Apia Sydney International — 2012” халқаро турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда.***

Турнир давомида Райан Свитинг (АҚШ), Пабло Андухар (Испания), Ришар Гаске (Франция) каби рақибларини мағлубиятга учратган теннисчимиз ярим финалга йўл олди. Денис финал йўлланмаси учун кечадиган навбатдаги беллашувни финляндиялик Ярко Ниеминенга қарши ўтказади.

## Ғолиб ва совриндорлар аниқланди

***Пойтахтимизда шахмат бўйича ташкил этилган “Тошкент қиши” турнири якунига етди.***



Юз нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун кураш олиб борган мазкур мусобақа кескин ва қизиқарли партияларга бойлиги билан мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Швейцарча тизимда ташкил этилган баҳсларда спортчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Якунда ўз гуруҳларида рақибларидан кўра яхшироқ ҳаракат қилган Алишер Бекмуродов, Алихон Гусейнов, Сирожиддин Нажмиддинов, Ҳулкар Тоҳиржонова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Темур Йўлдошев, Фарҳод Тоҳиров ва Темур Умаров ғолиб ҳамда совриндорлар сафидан жой олдилар.

**Ф. ИБРАГИМОВ**
**тайёрлади.**

## ОБ-ҲАВО

(13 январь)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -2 -7 | -2 +3 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -2 +3 | +4 +9 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -2 +3 | +4 +9 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | 0 +5 | +8 +13 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -2 +3 | +3 +8 |
| Тошкент шаҳрида | +1 +3 | +7 +9 |


ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 239,5 ▲ +5,5 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 214,5 ▲ + 15,2 | АРМАТУРА 3404,6 ▼ -333,8 | ШИФЕР (1 лист) 18400 ▼ -384 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5